

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

У Л У Ф
ОКТАБРНИНГ
ЭЛИК ТҮРТ
ЙИЛЛИГИ
ШАРАФИГА

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 203 (4409). | 16 октябрь 1971 йил, | ШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

90 МИНГ ТОННА УЧУН

Районимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари деҳқончилик маданияти учун, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун зарур тадбирларни изчиллик билан амалга ошираётганликлари сабаб бу соҳадаги тошхирлар ҳар йили ҳам бажарилиб келмоқда. Биз туққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили режаларини тузаётганимизда она-Ватанга 90 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни мўлжаллаган эдик. Шу йўлдаги биринчи марраи эғалладик. Районда пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилиди. Давлатга тошхирлар пахтанинг 57.000 тоннаси машиналарда терилди. Албатта биз меҳнатимизнинг бу яхши натижасини кўриб қувонмоқдамиз, шу билан бирга асосий эътиборни социалистик мажбуриятни бажаришга қаратганимиз.

Йигирм-терим кунларида қолхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, механизаторлари, қишлоқларнинг меҳнаткашлари ҳақиқатан ҳам меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Пахта даладарига умум-халқ социалистик мусобақаси кенг қучоқ ейдирилди. Ҳар бир киши ўз вазифасини, тошхирини ошириб бажариш учун курашди.

Ез бўйи даладарда қилинган меҳнат, ҳаракат туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Белгиланган мuddатда даладар машиналарга тахт қилинди. Дефляция қисқа мuddатда сифатли қилиб ўтказилди. Бунинг натижасида сентябрнинг дастлабки кунлариданоқ агрегатларни ишлатиш имконияти туғилди. Механизаторларимиз ҳар йилгидек бу йил ҳам тайёр кўрсатдилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли пахта тайёрлаш юзасидан берилган график ҳамма вақт ошириб бажарилиди.

Пахта учун курашда «Ўзбекистон ССР беш йиллик» тақриба хўжалик коллективининг ишини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Шу кунларда ўзлари-

нинг социалистик мажбуриятлари—она-Ватанга 14 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашаётган бу азамат коллектив ҳақиқатан ҳам районимиз фаришдир. Совхозда барча техника тўхтовсиз ва умумий ишлатилмоқда.

Свердлов номи қолхоз аъзолари ҳам ташаббус кўрсатиб, беш йиллик планларини тўрт йилда бажарганиз деган эдилар. Улар ҳақиқатан ҳам ўз сўзларига содиқ қолмоқдалар, социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Шу кунгача мажбурият ҳисобига 500 тоннага яқин пахта тошхирган «Ленин-обод» қолхоз аъзоларининг ишидан биз хурсандимиз.

Пахта фронтда жонбозлик кўрсатган меҳнат-ҳайдовчиларнинг номини ҳақиқатан ҳам дала гвардиячилари оқинликларини яна бир марта кўрсатдилар. Шу нарса қувончлики, совхоздаги ҳамма механизаторлар машина билан пахта териш тошхирларини анча ошириб бажаришди.

Биз мажбурият ҳисобига пахта тошхирлаган Калинин номи, «Озод», Ленин номи, «Москва», Ҳамид Олийжон номи, Карл Маркс номи Куйбишев номи, Ҳамза номи қолхозлар ва «Коммунизм» совхозлари, шунингдек кўпгина хўжаликларнинг ишини қониқ билан таъкидлаймиз.

Шу кунгача районимизда давлатга 74 минг тоннага яқин пахта етказиб берилди. Даладардаги ҳосил 90 минг тонна пахта тошхирганиз деган социалистик мажбуриятни тўла адо этишга етади. Район пахтакорлари ва механизаторла-

ри Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаати тайратимизни янада ошириб юборди. Биз ана шу Мурожаатга жавобан барча куч ва техникани пахта йигим-теримига сафарбар этамиз. Далада қолган ҳосилнинг бир граммини ҳам но-буд қилмай тезроқ йигиб-териб олиш учун курашамиз.

Оққўрғон район пахтакорлари йигим-теримда қишлоқ меҳнаткашларига яқиндан ёрдам берганиликлари учун Ўзбекистон халқларига, «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш» машинасозларига ва бошқа корхоналарнинг коллективларига чин қўнғилдан раҳматлар айтадилар.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар корхоналари районимиз хўжаликларига жуда яқиндан оталиқ ёрдамини кўрсатмоқдалар. Биз пахта теримда даладаримизда ёлма-ёни ишлаган Калинин район меҳнаткашларидан ҳам гоёт хурсандимиз.

Район луборлари йиллик плани муваффақиятли бажаришди. Улар 156 минг тонна қаноп пояс етказиб берди-лар. Биз планга қўшимча равишда 15 минг тонна қаноп пояс сотишни мўлжаллашамиз. Шунингдек, давлатга сут, жон қолди, Карл Маркс номи, Куйбишев номи маҳсулотлари тошхирини планлари ҳам бажарилиди. Чорва қишлоғига етарли миқдорда дағал хашак ва ширли озуқа тайёрлаб қўйди.

Оққўрғонлиқлар областимизнинг 400 минг тоннаси ва республикамизнинг 4 миллион 400 минг тоннаси учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бу бизнинг КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш йўлида қилаётган меҳнатимизнинг дастлабки меvasи бўлади.

С. ТОИРОВ.

Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.



Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» қолхозида терим агрегатларини умумий ишлатиб юқори кўрсаткичга эришган меҳнаткорлар қўлла топилади. Шулардан бири Михаил Ким. Унинг шу кунгача ол хир молига туққан пахтаси 150 тоннадан ошиб кетди. Суратда: М. Ким.

А. Абалин фотоси.

Қодирбой Мавлонов Юқори Чирчиқ районидagi «Ўзбекистон» қолхозининг моҳир меҳанизатори. У бу йилги мавсумда териш машинаси билан 200 тоннадан ортиқ пахта терди. Суратда: Қ. Мавлонов.

И. Шонюгомов фотоси.



МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Юқори Чирчиқ районидagi йирик пахтакор хўжалик «Политотдел» қолхози деҳқонлари зиммаларидagi социалистик мажбуриятни ҳам шараф билан бажаришди. Қабул пунктларига 6350 тонна «оқ олтин» тошхирилди. Бу пландан 1000 тонна кўн демандир. Ҳар гектар ердан олтига ҳосилдорлик 35 центнерга етказилди.

Бу улкан талабни қўлга киритишда меҳанизаторларнинг ҳиссаси катта бўлди. Қолхоз пахтакорларида 44 та агрегат тинчсиз ишлади. Ҳар бир агрегатнинг терган пахтаси уртача 120 тоннага келди. Пахта теримда моҳир меҳанизатор Б. Ким пешқадамлик қилди. Унинг шу кунгача терган пахтаси 160 тоннадан ошиб кетди. Меҳанизаторлардан М. Беликов, Қ. Деҳқонов ва М. Ким ўртоқлар «зангори кема» бункеридан 140-150 тоннадан «оқ олтин» туқдилар. Қолхоз даладарига хали ҳосил мўл. Деҳқонлар бир таи, бир жон бўлиб ҳосилни териб олиш ишларини ушшоқлик билан олиб боришпти.

ХУШХАБАР

Қўлимизда Бўка районидagi «Ленинбод» қолхозидан келган рапорт. Қолхоз планини 24 иш кунда бажарган. Давлатга 1690 тонна пахта тошхирилган. Шу пахтанинг 1100 тоннаси машиналарда терилган.

Планини барикат бажарилишида А. Ражабов, У. Ахмедов, Х. Султонов бошлиқ бригада аъзоларининг катта ҳиссалари бор.

Қолхозда гўшт, сут, туҳум, сабзавот, картошка, мева тайёрлаш планлари ҳам тўла ва ошириб бажарилиган.

Азамат қолхозчилар партия ва ҳукумат мурожаатига жавобан яна 400 тонна пахта териб тошхирини туғришда қўшимча мажбурият олиб, йигим-теримни бўшатирмай давом эттирмоқдалар.

КУЗГИ ҒАЛЛА ЭКИШ

10 ИШ КУНИДА ТУГАЛЛАНДИ

Оҳангарон районидagi 1-«Оҳангарон» совхози ғаллакорлари баҳорда ёғингарчилик кам бўлишига қарамай, яхши натижаларни қўлга киритишди. 1800 гектар лаъмикор ғаллазорининг ҳар гектаридан ол хирмонига 9,5 центнердан ғалла туқдилар.

Совхоз ғаллакорлари ғалла-ни ўриб-йигиб олиш билан бирга келгуси йил ҳосилига ҳам пахта замин ҳозирлашга киришдилар. 1900 гектар майдон сифатли шугоралаб қўйилди. Ғалла экиш ишларини тез ва қисқа мuddатларда ўтказиш учун пахта тайёрларини кўришди. Натижа қўнғилдан ол бўлиб чиқди: барча майдонларга 10 иш кунда ғалла экиб бўлинди.

Айниқса, 1-бўлим ишчилари ушшоқлик билан ишладилар. Улар 5 иш кунда 1200 гектар ерга уруғ ташладилар. Меҳанизаторлардан Темир Йўлдошев, Турсунбой Холбоев ҳар кун 20 гектар уришга 30 гектаргача майдонни қўнғил чиқардилар. Т. ХУШНАЗАРОВ.

Журнал ТАХТАСИ

ЯНГИЙҮЛ РАЙОНИ БҒИЧА

«Интернационал» қолхоз. Пахта тайёрлаш планини 108,45 процент, машина терими планини 104,7 процент бажарган. (Қолхоз раиси К. Б. Мамедов, партия ташкилотининг секретари О. Шукри, комсомол комитетининг секретари А. Шабанов, бош агроном Э. Тўрақулов, бош инженер А. Шек ўртоқлар).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БҒИЧА

Терешкова номи қолхоз. Пахта тайёрлаш планини 102,84, машина терими планини 124,16 процент бажарган. (Қолхоз раиси У. Ҳасанова, партия ташкилотининг секретари А. Ҳайдаров, комсомол комитетининг секретари А. Жонитгулаева, бош агроном М. Убайдуллаев, бош инженер Т. Раҳимов ўртоқлар).

А. Икромов номи. Қолхоз пахта тайёрлаш планини 105,43, машина терими планини 126,62 процент бажарган. (Қолхоз раиси Х. Пулатов, партия ташкилотининг секретари С. Раҳмонов, комсомол комитетининг секретари Х. Баратов, бош агроном Х. Баратов, бош инженер В. Мальцев ўртоқлар).

Свердлов номи қолхоз. Пахта тайёрлаш планини 102,81, машина терими планини 100,18 процент бажарган. (Қолхоз раиси М. Дўсанбоев, партия ташкилотининг секретари Ш. Жамиров, комсомол комитетининг секретари М. Даринов, бош агроном А. Мелнев, бош инженер Киставбоев).

ТИНМСХ тақриба хўжалиги. Пахта тайёрлаш планини 101,95, машина терими планини 113,70 процент бажарган. (Директор К. Соттибоев, партия ташкилотининг секретари И. Ибодов, комсомол комитетининг секретари А. Соғ ўртоқлар).

ҲАМ ТЕЗ, ҲАМ СОЗ

2-гит заводлар бошқармасининг аҳли коллективни КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётганликлари ҳақиқатан ҳам кўрсаткичларга эришмоқда. Цехлар ва бригадаларро мусобақаларни яхши йўлга қўйиб, маҳсулот сифатини яхшилаш, тан-нариқини арзонлаштириш ва йиллик планини 25 декабргача бажариш ҳар бир киши-хизматчи ниятидир. Заводда туққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида 98 миллион донга гит ишлаб чиқариш планлаштирилган.

Ўтган етти ойлик план анча ортириб адо этилди. Июль ойида 8 миллион 200 минг дондан ортиқ гит ишлаб чиқарилиди. Бу ютуқларда 1-завод коллективининг ҳиссаси катта.

Ҳар ойда бу ерда 5 миллион дондан ортиқ гит ишлаб чиқаришмоқда. Я. Канустников, А. Исмонлов ўртоқлар бошлиқ цех аъзолари ишлатиётган гитнинг юқори сифатли бўлишига эришмоқдалар.

— Заводларимиз қуввати шу беш йилда яна ошди, — дейди бош инженер М. Абдалов. — Бунинг учун бутун ички резервлардан умумий фойдаланиб, кўл кучини кескин камайтирамыз. Бу йил гит ортиш ва тушириш тўла механизациялаштирилди. 1-2 заводлар реконструкция қилинди.

Меҳнат умумдорлигининг ортиши, маҳсулот сифатининг ўсишида табибузкорлар рол катта бўлмоқда. Тошкент самолётсозлик заводининг фрезер-

чис А. Деятваннинг ташаббуси бу ерда ҳам қучоқ бади. Заводларда беш йиллик планини тўрт, тўрт ярим йилда бажариш учун кун сайин кенгайиб боришмоқда.

Венера Сагитова ўз ечимига беш йиллик планини тўрт ярим йилда бажариш мажбуриятини олган. Шу мақсадда у ҳар кун 6073 донга ўришга 7 минг донга етказиб гит тахламоқда.

Шунингдек, В. Сагитова билан бир сафда меҳнат қилаётган А. Олейник ҳам беш йиллик планини тўрт ярим йилда бажаришга қарор қилган.

Ҳозир пешқадамлар смена тошхирларини 120-140 процентга етказиб, ўз касбдошларига ўрнак кўрсатишмоқда.

Н. РУСТАМОВ.

400.000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрлагани, учинчи стун — мавсум бошдан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошдан бери.

Юқори Чирчиқ	1,00	111,24	0,07	156,21
Пискент	1,35	104,97	0,98	95,31
Ўрта Чирчиқ	1,45	100,60	0,29	150,33
Оққўрғон	1,88	100,05	1,81	101,61
Бўка	2,54	96,68	2,36	92,76
Бенкбод	1,57	90,10	1,05	83,06
Янгийўл	2,07	88,74	2,31	61,88

Область бўйича 1,79 97,35 1,43 94,42

ШОЛИ-ДАВЛАТГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун бир кунда ўрилгани, учинчи стун — мавсум бошдан бери, тўртинчи стун — бир кунда тошхирлагани, бешинчи стун — мавсум бошдан бери.

Юқори Чирчиқ	6,1	74,2	12,8	64,0
Бенкбод	2,2	65,2	5,2	53,1
Бўка	2,0	91,1	11,6	53,0
Янгийўл	3,3	78,2	8,3	52,5
Ўрта Чирчиқ	—	95,2	6,8	49,2
Пискент	3,3	71,5	12,0	43,4
Оққўрғон	3,9	70,2	6,8	33,0
Калинин	1,8	89,3	6,9	19,5
Оржоникидзе	7,5	59,1	0,8	3,2
Оҳангарон	20,0	59,4	1,4	2,4
Область бўйича:	2,8	76,4	7,0	45,9

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ЭРОНДА БЎЛИШИ

ПЕРСЕПОЛИС. 14 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча кечкурун Эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Пахлавий СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ҳузурига таширф бўлди.

Узоқ давом этган суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ПЕРСЕПОЛИС. 14 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Бу-

гун Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти генерал Л. Свобода СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний билан учрашди.

Суҳбат қардошларча самимий вазиятда ўтди.

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг пре-

зиденти Н. Броз Тито СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ҳузурида бўлди. Учрашу вазиятда самимий, дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатда СССР ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари Н. П. Фирюбин ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президиумининг аъзоси Рато Дутоич ҳозир бўлдилар.

ПЕРСЕПОЛИС. 14 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун эрон шаҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Пахлавий ва малика Фарохбетим номидан Эрон давлатининг 2500 йиллиги муносабати билан энефат берилди.

Энефатда Совет томонидан СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ўринбосари Н. П. Фирю-

бин, Совет Иттифоқининг Эрондаги элчиси В. Я. Ерофеев ҳозир бўлдилар. Меҳмонлар орасида Эрон тарихидagi шонли сана муносабати билан Персеполсга келган давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари, шунингдек бир қанча давлатларнинг вакиллари бор эди.

Энефат вақтида шаҳаншоҳ Муҳаммад Ризо Пахлавий ва Эфиопия императори Хайле Селассие нутқ сўзладилар.

